



Ўтказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
**ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**  
Танлаш ҳужжатларининг мазмуни:

- I. **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН** йўриқнома
- II. **Техник қисм**
- III. **Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН йўриқнома**

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Қўштепа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 85-ҚОП таянч пункти ва Дехқонобод фап контейнерини жорий тамирлаш
- 1.2. Танлов охириги қиймати 113 000 000 сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.  
Ушбу танлов яқунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар кун.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Фарғона вилояти Қўштепа туман Тиббиёт бирлашмаси , (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Қўштепа туман Соҳибқор МФЙ Соҳибқор кучаси 57 уй  
Эл.адрес:
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 10 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;  
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштиришни зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришга лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров

юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмуни-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



**Қўштепа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Қўштепа туман тиббиёт  
 бирлашмасига қарашли 85-ҚОП таянч пункти ва Дехқонобод фап контейнерини  
 жорий тамирлаш ишлари буйича  
 ТЕХНИК ТОШШИРИҚ**

Буюрмачи	Қўштепа туман Тиббёт бирлашмаси
Объект номи	Қўштепа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 85-ҚОП таянч пункти ва Дехқонобод фап контейнерини жорий тамирлаш
Танлаш тартиб рақами	№
Танлаш тури	Очиқ танлаш
Танлаш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	etender.uzex.uz махсус ахборот парталидан юклаб олишлари мумкин
Танлаш отказик түтрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилди:	etender.uzex.uz махсус ахборот парталидан эълон қилинди.
Танлашда иштирок этишга куйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади	Етарли машина механизмлар билан таъминланган соҳа бўйича зарур турувчи муҳандисларга ва ухшаш объектлар қурилишда бой тажрибага эга булган. Молиявий барқарор ташкилотлар иштирок етдилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулк мусорадага олинмаган. ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдит ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий- ҳуқукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд булса)	Сертификат Лицензия
Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари	Офёрталарни тақдим этиш охириги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар
Танлаш ҳужжатлари тили	Ўзбек/Рус тиллари
Танлаш предметининг объектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари асбоб-ускуналари	б-шаклига асосан Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати
Танлаш иштирокчисининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этилидиган танлаш иштирокчилари	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган малакали шахслар
Буюртмачининг объект бўйича башланғич нархи	ҚҚС билан сум
Буюртмачи томонидан белгиланган бажариладиган иш муддати	15 календар кун.
Молиялаштириш манбаси:	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан
Бажариладиган иш молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги қийматининг 30% аванс Охириги тулов-70% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугагандан сўнг.

Машина механизмлар тўғрисида	Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари ҳақида маълумотлар ёки керакли машина ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати
Рейтинг	Пудратчининг Қурилиш вазирлиги махсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот
Молиявий ҳолати	Корхонани охириги йиллик баланс ҳисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган булиш керак). Қурилиш ташкилотини ҳисоб рақамида конкурсдаги қурилиш ишларини суммасини 20% миқдорда пул маблағи мавжуд булиши ёки шу миқдорда айланма маблағи борлиги тўғрисида банк хати
Ишчи ходимлар тўғрисида	Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахасислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олинishi ҳамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПС га ўтказилган маблағлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)
Иш тажрибаси	Ташкилотни охириги уч йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот
Кафолат хати	Пудратчи 12 ой мобайнида бажарган ишлари учун кафолат бериш керак. Агар шу маддат ичида носозлик ҳолати аниқланса пудратчи ҳисобидан бартараф этилади
Шартнома тили	Ўзбек тили
Шартнома валютаси	Ўзбек сўмда